

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2025 йил "23" июндаги
180-сонли буйруғига
илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН УРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**«УРЕТРИТ» НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ
КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАР**

Тошкент – 2025

“КЕЛИШИЛДИ”

Ўзбекистон Республикаси

Ихтисослаштирилган

Нозология илмий-амалий тиббиёт

маркази директори

Ш.Т. Мухтаров

” “ ” 2025 йил



**«УРЕТРИТ» НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ
КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАР**

Тошкент – 2025

**«УРЕТРИТ» НОЗОЛОГИЯСИ ДИАГНОСТКАСИ ВА
ДАВОЛАШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК
ПРОТОКОЛЛАР**

Тошкент – 2025

1. КИРИШ

Ушбу клиник протоколлар Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИУИАТМ), “Ўзбекистон урологлар илмий жамияти”, “Ўзбекистон болалар урологлари жамияти” ва Тошкент тиббиёт академияси мутахассислари томонидан Европа урологлар ассоциацияси (ЕУА)нинг кўрсатмалари, тавсиялари ва маълумотлари асосида ушбу соҳа олимлари томонидан ишлаб чиқилган.

Муаллифлар гуруҳи халқаро экспертларнинг фикрларини тўлиқ қўллаб-қувватлайди ва клиник протоколлар нашр этилган вақт ҳолатига тажрибали мутахассислар учун энг тўғри ва қулай маълумотларни тақдим этишини таъкидлаш зарур деб ҳисоблайди. Улар муайян беморни даволаш тактикасини аниқлашда клиник тажрибанинг ўрнини боса олмайди, аммо беморнинг ўзига хос хусусиятлари ва истакларини ҳисобга олган ҳолда танловни амалга оширишда ёрдам беради.

Миллий клиник протоколлар МКБ-10 – N34.0 ва МКБ-11 – GC02 шифрига мувофиқ Уретрит диагностикаси, реабилитацияси ва профилактикаси бўйича қўлланма ҳисобланади.

Улардан Республиканинг барча тиббиёт даволаш-профилактика муассасаларининг урологлари фойдаланишлари мумкин.

Касалликларнинг халқаро таснифи кодлари – МКБ-10/11:

МКБ-10	
Код	Номи
N34	Уретрит ва уретрал синдром https://icd.who.int/browse10/2019/en#/N34
N34.0	Уретрал абсцесс (хўппоз) https://icd.who.int/browse10/2019/en#/N34.0
N34.1	Носпецифик уретрит https://icd.who.int/browse10/2019/en#/N34.1
N34.2	Бошқа уретритлар https://icd.who.int/browse10/2019/en#/N34.2
N34.3	Аниқланмаган уретрал синдром https://icd.who.int/browse10/2019/en#/N34.3

МКБ-11	
Код	Номи
GC02	Уретрит ва уретрал синдром https://icd.who.int/browse/2024-01/mms/en#1092991948

GC02.0	Уретрал абсцесс (хўппоз) https://icd.who.int/browse/2024-01/mms/en#1037488079
GC02.1	Носпецифик уретрит https://icd.who.int/browse/2024-01/mms/en#1037488079
GC02.Y	Бошқа аниқланган уретрит ва уретрал синдром https://icd.who.int/browse/2024-01/mms/en#1092991948%2Fother
GC02.Z	Аниқланмаган уретрит ва уретрал синдром https://icd.who.int/browse/2024-01/mms/en#1092991948%2Funspecified

Миллий клиник протоколни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш санаси

Миллий клиник протокол 2025 йилда ишлаб чиқилган. Протокол ҳар 5 йилда ёки диагностика, даволаш, реабилитация ва профилактиканинг исботланганлик даражаси ўзгарганда кўриб чиқилади.

Миллий клиник протоколни ишлаб чиқиш учун масъул муассаса

Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИУИАТМ).

Ишчи гуруҳ аъзолари ва муаллифлар:

Гиясов Шухрат Искандарович – Тошкент тиббиёт академияси урология кафедраси профессори, т.ф.д., профессор.

Наджимитдинов Ялкин Саидахматович – Тошкент тиббиёт академияси урология кафедраси доценти, т.ф.н., доцент.

Зокиров Хаёт Комилович – Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказининг даволаш-диагностика бўлими мудири.

Тақризчилар:

Перепанова Тамара Сергеевна – Россия соғлиқни сақлаш вазирлигининг Н.А. Лопаткин номли урология ва интервенцион радиология ИТИ – ФДБМ Радиология «МТТМ» филиали инфекцион-яллиғланиш касалликлари ва клиник фармакология гуруҳи мудири, Россия урологлари жамиятининг фахрий аъзоси, Европа урологлари ассоциацияси Урологик инфекциялар секцияси фахрий аъзоси, т.ф.д., профессор.

Мирхамидов Джалол Халилович – т.ф.н., Тошкент тиббиёт академияси урология кафедраси доценти.

Миллий клиник протокол лойиҳасининг муҳокамаси.

Миллий клиник протоколи Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази Илмий кенгашининг 2025 йил _____ -сонли йиғилишида кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Миллий клиник протокол ва стандартларни техник баҳолаш бўйича эксперт хулосаси ва тахрирлаш:

Кариев Саидахор Саитасланович – т.ф.д., Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази урология кафедраси доценти,

Агзамходжаев Саиданвар Талатович – т.ф.д., Республика болалар миллий тиббиёт марказининг болалар урологияси кафедраси муdiri,

Миллий клиник протокол ва стандартларни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Эксперт гуруҳи мутахассислари томонидан ўтказилган баҳолаш бўйича эксперт хулосаси:

Мазкур клиник протокол ва стандарт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари Баситханова Э.И, Тиббий суғурта бошқармаси бошлиғи Ш. Алмарданов, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бошлиғи Ш.Р. Нуримова бошчилигида, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бош мутахассиси Г. Джумаева ва етакчи мутахассиси Н.Рахимовалар томонидан мутахассисларининг ташкилий ва услубий кўмагида ишлаб чиқилган.

Протокол фойдаланувчилари:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази, марказнинг юридик мақомга эга бўлган филиаллари, марказнинг Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази негизидаги филиаллари, Олий таълим муассасалари негизидаги урология бўлимлари, Вилоят кўп тармоқли тиббиёт поликлиникаси, Туман/Шаҳар тиббиёт марказларидаги урология бўлимлари, Туман/Шаҳар кўп тармоқли тиббиёт поликлиникаси уролог-шифокорлари ва оилавий шифокорлари.

Ушбу нозологияда беморлар тоифаси.

Уретрит билан хасталанган беморлар.

Далилларга асосланган тиббиётнинг далиллари даражаси шкаласи.

Далилларнинг исботланганлик даражасини баҳолаш шкаласи

(диагностик аралашувлар учун)

Далилларнинг исботланганлик даражаси	
1	Референс усул ёрдамида назорат остида ўтказилган тадқиқотларнинг тизимли шарҳлари ёки мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли шарҳи
2	Референс усул назорати билан ўтказилган айрим тадқиқотлар ёки айрим рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши, мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши бундан мустасно
3	Референс усул ёрдамида изчил назоратиз ёки ўрганилаётган усулдан мустақил бўлмаган референс усул ёрдамида ўтказилган тадқиқотлар ёки рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан, когортли тадқиқотлар
4	Қиёсланмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат тавсифи
5	Фақатгина муолажанинг таъсир механизми асослари ёки экспертлар хулосаси мавжуд

Далилларнинг исботланганлик даражасини баҳолаш шкаласи

(профилактика, даволаш ва реабилитацион аралашувлар учун)

Далилларнинг исботланганлик даражаси	
1	Мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши
2	Айрим рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши, мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши бундан мустасно.
3	Рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан, когортли тадқиқотлар
4	Қиёсий бўлмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат ёки ҳолатлар серияси тавсифи, “ҳолат-назорат” тадқиқоти
5	Фақатгина муолажанинг таъсир механизми асослари (клиника олди тадқиқотлар) ёки экспертлар хулосаси мавжуд

Тавсияларнинг ишончлилик даражасини баҳолаш шкаласи

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси	
А	Кучли тавсия (барча кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгаллайди, барча тадқиқотларнинг методологик сифати юқори ёки қониқарли ва қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилган)
В	Шартли тавсия (айрим кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгаллайди, айрим тадқиқотларнинг методологик сифати юқори ёки қониқарли ва/ёки қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилмаган)
С	Кучсиз тавсия (сифатли далиллар келтирилмаган, кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари, натижалар) муҳим ўринни эгалламайди, барча тадқиқотларнинг методологик сифати паст ва қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилмаган.

МУНДАРИЖА

**«УРЕТРИТ» НОЗОЛОГИЯСИ ДИАГНОСТКАСИ ВА ДАВОЛАШ
БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАР** Ошибка! Закладка не определена

**«УРЕТРИТ» НОЗОЛОГИЯСИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА
РЕАБИЛИТАЦИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАР..... 23**

Қисқартмалар рўйхати

- РИУИАТМ – Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази
- СҶИИ – Сийдик чиқариш йўллари инфекцияси
- ПСҶС – Пастки сийдик йўллари симптомлари
Симптомы нижних мочевых путей
- МНН – Халқаро патентланмаган номи
- ИД – Исботланганлик даражаси

2. АСОСИЙ ҚИСМ.

2.1. Кириш.

Ўтқир уретрит – сийиш канали шикастланадиган яллиғланиш касаллиги бўлиб ҳисобланади. Аксарият ҳолларда бу мономаданий эмас, балки микроорганизмлар бирлашмасидан келиб чиқади [1]. Уретрит юқумли ёки юқумли бўлмаган турларда бўлиши мумкин. Уретрининг яллиғланиши, одатда, СЧЙИдан бошланади ва уни пастки сийдик йўлларида бошқа инфекцияларидан фарқлаш керак. Уретритга олиб келадиган инфекция одатда жинсий алоқа орқали юқади.

2.2. Умумий таърифи.

Уретрит – сийиш каналининг шиллиқ қобиғи яллиғланиши касаллиги [1]. Уретритнинг симптомлари бўлиб сийиш пайтида оғриқ ва сийдик йўлларида шиллиқ-йирингли ёки йирингли оқинди ҳисобланади, аммо кўп ҳолларда уретрит симптомсиз кечади. Юқумли сабаблардан ташқари, уретрит кимёвий, механик омиллар таъсирида пайдо бўлиши мумкин, шунингдек, Рейтер, Бехчет ва Вегенер касаллиги каби юқумли бўлмаган яллиғланишли этиологияга эга бўлиши мумкин. Ушбу бўлимда фақат бирламчи уретрит кўриб чиқилади.

Этиологияси. *N. gonorrhoeae* келтириб чиқарувчи гонококкли уретрит ва гонококк бўлмаган уретрит ажратилади, иккинчиси носпецифик ва турли хил этиологияга эга бўлиши мумкин. Касаллик қўзғатувчиларига *S. trachomatis*, *Mycoplasma genitalium*, *Ureaplasma urealyticum* ва *T. vaginalis* киради. Охирги маълумотлар этиологик омил сифатида *U. parvum* эмас, балки *U. Urealyticum*-нинг мумкин бўлган роли ҳақида далолат беради [1].

Турли қўзғатувчиларни аниқлаш частотаси куйидагича: *S. trachomatis* - 11 дан 50% гача; *M. Genitalium* - 6 дан 50% гача; *Ureaplasma* штаммлари - 5 дан 26% гача; *T. vaginalis* - 1 дан 20% гача ва аденовируслар - 2 дан 4% гача [2, 10]. Тартибсиз жинсий алоқалар, паст ижтимоий-иқтисодий мақом ва *N. Gonorrhoeae* ва *S. Trachomatis*-нинг учраш частотаси ўртасида боғлиқлик мавжуд.

Инфекция қўзғатувчилари эпителий юзасида ҳужайрадан ташқари жойлашиши ёки эпителий ҳужайраларига (*N. gonorrhoeae*, *S. trachomatis*) кириб, пиоген инфекциянинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Хламидия ва гонококклар таносил трактининг юқори бўлимларига кириши ва эркакларда эпидидимит, аёлларда эса цервицит, эндометрит ёки сальпингитни келтириб чиқариши мумкин [3].

2.3. Уретритларнинг таснифи.

Клиник амалиётда уретритларнинг қуйидаги иккита таснифидан фойдаланилади:

1. Юқумли.

- Специфик - сил, гонорея, трихомонада, *Chlamydia trachomatis*, *Trichomonas vaginalis*, *Mycoplasma genitalium*, *Ureaplasma urealyticum*.
- Носпецифик - *Escherichia coli*, *Энтеробактериум* (*Proteus*, *Klebsiella*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Enterobacter aerogenes*, *Serratia* ва бошқ.), *Candida species*, *Gardnerella vaginalis*.

2. Юқумли бўлмаган.

- аллергик;
- алмашинув;
- посттравматик;
- конгестив.

3. ДИАГНОСТИКА УСУЛЛАРИ, ЁНДАШУВЛАРИ ВА МУОЛАЖАЛАРИ

3.1. Шикоятлар, анамнез ва объектив кўриқдан ўтказиш.

Стандарт текширув анамнез тўплаш ва лаборатория текширув усулларини ўз ичига олади. Бемор уретрадан йирингли ажралма ва сийиш пайтида ёниш ҳисси, қичишишдан шикоят қилади. Шундай бўлса ҳам, кўп ҳолларда уретрит симптомсиз кечади.

3.2. Объектив кўриқдан кечириш ва диагностика.

Кўриқдан ўтказишда уретранинг ташқи тешиги гиперемик ва шишган. Сийиш канали пальпация қилинганда оғриқ ва унинг қалинлашуви қайд этилади.

3.3. Диагностиканинг асосий ва ёрдамчи лаборатория усуллари.

Уретрит симптомлари бўлган беморларда ташхис қуйидаги мезонлардан бирига асосланиб қўйилиши мумкин [2-8]:

- уретрадан шиллиқ, шиллиқ-йирингли ёки йирингли ажралмалар;
- яллиғланишни тасдиқлаш билан уретрадан ажралмаларнинг Грам бўйича ёки метилен кўк рангга бўялиши. Уретритнинг классик мезони бўлиб уретрадан Грам бўйича бўялган ажралма ёки суртмада юқори аниқликдаги микроскоп остида кўриш соҳасида 5 ёки ундан ортиқ лейкоцитларнинг аниқланиши ҳисобланади. Юқори диагностика аниқлигини ҳисобга олган ҳолда, катта ўлчамда катталаштиришда кўриш майдони учун ≥ 5 полиморф-ядровий лейкоцитлар чегараси таклиф қилинди [4-6].

- сийдик чўкмасида катта ўлчамда катталаштиришда кўриш майдонида ≥ 10 полиморф-ядровий лейкоцитлар мавжудлиги ёки биринчи порцияда лейкоцитар эстеразага мусбат тест.

Асосий диагностика усули - уретра яллиғланишининг хужайра ичидаги грамм-манфий диплококкларни аниқлаш билан уретрадан ажралмаларнинг Грам бўйича бўялишида тасдиқланиши гонококкли уретрит мавжудлигига кўрсатади. Гонококк бўлмаган уретрит ташхиси яллиғланиш уретрадан ажралмаларнинг Грам бўйича бўялиши билан тасдиқланганда ва хужайра ичидаги диплококклар мавжуд эмаслигида қўйилади.

Даволаш тактикасини аниқлаш мақсадида уретритнинг объектив тасдиғини олиш учун ҳар доим аниқ диагностикани (Грамм бўйича бўялиш, янги чиқарилган сийдикнинг биринчи порциясини микроскопик таҳлили, лейкоцитар эстераза учун тест) ўтказиш керак.

Сўнгги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, уретрадан намуна олиш вақти мунтазам клиник амалиётда комплаентлик ва қўлланилишлик нуктаи назаридан жуда муҳимдир [9].

Этиологияни аниқлаштириш учун ёрдамчи усуллар - уретрит мезонларига мос келганда, *C.trachomatis*, *M.genitalium* ва *N.gonorrhoea*, *T.vaginalis* учун полимераза занжири реакцияси (ПЗР) ёрдамида таҳлил ўтказиш керак, ҳаттоки бирламчи диагностикада гонорея аниқланмаган бўлса ҳам [7,10]. ПЗР диагностикаси хламидия ва гонококк инфекциялари диагностикаси учун мавжуд бўлган бошқа тестларга нисбатан сезгирлик ва ўзига хослик жиҳатидан устундир [9]. Диагностик аҳамияти бўйича сийдикнинг биринчи порциясини ўрганиш уретрадан олинган суртмани ўрганишдан кам эмас [3,10]. Даволаниш кеч бошланганда ва гонореяга ПЗР диагностикасининг мусбат натижасида, кўзғатувчининг қаршилиқ (резистентлик) профилини баҳолаш учун уретрадан ажралма экмасини ўтказиш керак [9]. *N. gonorrhoeae* ва хламидия учун экмани асосан даволаш ва қўлланиладиган дориларга бардошлилик ривожланишини назорат қилиш самарасиз бўлганда ўтказиш керак бўлади. Трихомонадалар одатда микроскопияда ёки ПЗР-диагностика усули ёрдамида аниқланиши мумкин [4]. Гонококк бўлмаган уретрит, агар даволанишдан кейин 3-4 ҳафта давомида симптомлар сақланиб қолса, персисланувчи (давомий) деб таснифланади. Бундай ҳолларда, даволаш тугаганидан кейин 4 ҳафта ўтгач, уретритга олиб келадиган кўзғатувчилар, шу жумладан *T. vaginalis* учун ПЗР-диагностикадан фойдаланиш керак.

Иммун-фермент таҳлил (ИФТ-ELISA ёки қон зардобидида антихламидия антитаначаларини аниқлаш) *C. Trachomatis*, *N. Gonorrhoeae*, *T.vaginalis*ни аниқлашнинг энг кам сезгир ва ўзига хос усули ҳисобланади: тест-тизимга боғлиқ равишда усулнинг сезгирлиги 20-85% ни ташкил қилади, ва у замонавий кўрсатмаларда тавсия этилмайди. Шу муносабат билан амалий соғлиқни сақлаш муассасаларида молекуляр-биологик диагностика усулларини қўллаш афзалроқдир - уретранинг биологик материални *C. trachomatis*, *Gardnerella spp.*, *Atopobium vaginae*, *Sneathia spp*, *Leptotrichia spp.*, ҳамда *Ureaplasma parvum*, *Ureaplasma urealyticum*, *Mycoplasma hominis* мавжудлигига текшириш. Трихомониазни даволашдан кейин 1 йил давомида серологик реакциялар мусбат бўлиб қолади, бу ретроспектив диагностика учун жуда муҳимдир. Уретрит бўлган бемор организмнинг қон зардобидида

ёки бошқа биологик суюқликларда ва секрецияларида айланувчи специфик герпетикка қарши антитаначаларни (IgM, IgG, IgA) аниқлаш учун иммун-фермент таҳлил усули (ИФТ, иммун-хемилюминесцент-ИХЛТ) фойдаланилиши мумкин.

3.4. Диагностиканинг асосий ва қўшимча инструментал усуллари.

Асосий усуллар бўлиб, диагностиканинг лаборатория усуллари - уретрадан ажралмаларнинг бўялиши, сийдик таҳлили (агар керак бўлса, маданий текширувлар билан), ПЗР ва ИФТ ҳисобланади. Сийдик тракти уродинамикасининг бузилишини ва юзага келиши мумкин бўлган асоратларни истисно қилиш учун қўшимча усуллар билан УТТ, шу жумладан ёрғоқ органларини ҳам, ўтказиш керак [ИД: 2; ТД:А].

3.5. Бошқа мутахассислар маслаҳати.

Кўпгина ҳолларда, уретритни ташхислаш ва даволаш учун дерматовенеролог маслаҳати талаб этилади. Одатда *C. trachomatis* (Fiessinger-Leroy-Reiter, уретро-окулосиновииал синдром, Рейтер касаллиги) натижасида келиб чиқадиган уретрит, конъюнктивит ва реактив артритдан иборат триада синдромига хос белгилар мавжуд бўлганда, ревматолог маслаҳатидан ўтиш керак. Офтальмохламидиозда клиник кўриниш оддий ёки фолликуляр конъюнктивит ("паратрахома") шаклида намоён бўлади, бу ҳолларда офталмологнинг маслаҳати зарур. Беморда нафас олиш, йўтал билан кучаядиган, шунингдек ўнг елкага тарқалиши билан бирга кечиши мумкин бўлган қорин оғриғи бўлган тақдирда; қориннинг ўнг юқори қисмини пайпаслаганда оғриқ ва жигарни ҳимоя қилувчи пастки қовурғалар перкуссиясида оғриқ мавжудлигида; тана ҳароратининг кўтарилишида, лоҳасликда, тос соҳасидаги оғриқ, диспарунияда (Fitz-Hugh–Curtis синдроми) беморга жарроҳ/гепатолог маслаҳати керак. Уретрит билан ҳасталанган беморда, одатда, *C. Trachomatis* мавжудлигида, ўпкада йўтал, куруқ ёки нам хириллашлар аниқланганда, пульнолог маслаҳати керак бўлади.

3.7. Дифференциал ташхис ва қўшимча тадқиқотларни асослаш.

Ташхис	Дифференциал диагностика учун асос	Текширув	Ташхисни истисно қилиш мезонлари
Сперманинг ажралиши	Ўруғ чиқариш оқимларининг заиф оҳанги белгиси, бу ўз навбатида сурункали яллиғланиш жараёнлари натижасида пайдо бўлади.	Лаборатор текширувлар/ ажралмалар текшируви	Уретритда, лейкоцитлар, шиллик ва сероз экссудати аралашмаси - кўриниши йирингли-шиллик сутсимон ажралмалар уретритнинг

			симптомлари бўлиб ҳисобланади.
Сурункали простатит	Ачишиш ҳисси ва кичик порциялар билан тез-тез сийиш	Лаборатор текширувлар/ Meares-Stamey намунаси	Лаборатория таҳлилларига кўра (Meares-Stamey намунаси), лейкоцитлар сони простата секретациясида ва 4 та порцияда ошади.
Уретра тоши	Ачишиш билан сийишнинг қийинлишуви, уретрадан шиллик-геморрагик хусусиятли ажралмалар	Уретрани пайпаслаш; лаборатор текширувлар – сийдик таҳлили, уретрадан суртма; сийдик йўлининг пастки бўлими рентгенографияси; \эндоскопик текширув	Тош уретранинг олд бўлимида жойлашишида, уни пайпаслаб аниқлаш мумкин; сийдик таҳлиliga кўра, пиурия мавжуд эмас, уретрадан олинган суртмада кокклар флораси йўқ. Умумий рентгенографик тасвирда тошнинг сояси аниқланади. Шубҳали ҳолатларда - уретроскопия.
Баланопостит	кертмак, гиперемия ва кертмак терисининг шишиши, припуциал халтачадан йирингли ажралма бўлган беморларда	Лаборатор текширувлар/ ажралмалар текшируви	Сийдик таҳлиliga кўра, пиурия мавжуд эмас, уретрадан олинган суртмада кокклар флораси йўқ.

4. АМБУЛАТОР ДАРАЖАДА ДАВОЛАШ.

4.1. Дори воситаларсиз (номедикаментоз) даволаш.

Инфекция сабаб бўлган уретритни дори воситаларсиз даволаш кўзда тутилмаган.

4.2. Дори воситалари билан (медикаментоз) даволаш.

Уретритнинг оғир кечишида, ташхис қўйилгандан кейин эмпирик терапияни бошлаш мумкин. Енгил симптомларда ПЗР-диагностика натижалари олинмагунча даволашни кечиктириш тавсия этилади. Бундан ташқари, махфийликни сақлаб қолган ҳолда, хавф гуруҳидаги барча жинсий шерикларни текшириш ва даволаш керак [10].

Гонококк уретрит.

Гонококк уретритда бактериялар резистентлигининг кучайишига йўл қўймаслик учун турли хил таъсир механизмларига эга бўлган иккита антибиотикдан фойдаланган ҳолда комбинирланган терапия тавсия этилади [1,6]. Биринчи қатор сифатида цефтриаксонни 1 г дозада м/и ёки т/и-га оғиз орқали 1 г эритромицин билан қўллаш тавсия этилади. Шунингдек, бошқа дорилар билан солиштирганда яхши комплаентлиги туфайли бир марталик қабул қилиш ва *S. trachomatis* коинфекция хавфи мавжудлиги туфайли азитромицин тавсия этилади. Агар азитромицинга аллергия бўлса, доксициклинни цефтриаксон ёки цефиксим билан биргаликда қўллаш мумкин. Цефтриаксонга муқобил вариант сифатида цефиксимни 400 мг дозада оғиз орқали қабул қилиш тавсия этилади, аммо ушбу препарат камроқ даражада яхши фармакодинамик хусусиятларга эга ва резистентликнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин [7,10]. Макролидларга резистентликнинг кучайишини олдини олиш учун одатда азитромицин билан монотерапия тавсия этилмайди [5]. Спектиномициннинг 2 г дозада м/и-га бир марталик қўллаш 96% дан кўпроқ ҳолларда микробиологик соғайишни таъминлайди [8,10] ва таносил тизимининг гонореясини даволашда мақбул вариант бўлиб кўрилади.

Гонококк бўлмаган уретрит.

Аниқланган уропатогенсиз гонококк бўлмаган уретритда терапиянинг биринчи қатори бўлиб, 7 кун давомида кунига 2 марта 100 мг-дан доксициклинни қўллаш ҳисобланади. Муқобил вариант сифатида азитромицинни 500 мг (1-кун) ва 2-кундан 4-кунгача 250 мг дозада буюриш мумкин. Хламидияли уретритда азитромициннинг 1 г дозадаги бир марталик дозаси самарадорлиги бўйича 7 кун давомида кунига 2 марта 100 мг дозада қабул қилинган доксициклин билан тенглаштириш мумкин. Фторхинолонлар, масалан, офлоксацин ёки левофлоксацин, фақатгина бошқа дориларни қўллаш мумкин бўлмаган ҳолларда иккинчи қатор дори препаратлари бўлиб ҳисобланади. *U. urealyticum* аниқланганда, 7 кун давомида кунига 2 марта 100 мг дозада доксициклиннинг самарадорлиги 1 г дозадаги азитромициннинг бир марталик қабул қилиниши билан тенглаштирилади. *T. Vaginalis*-дан келиб чиққан уретритда терапиянинг

биринчиқатори бўлиб 2 г дозада метронидазол ёки тинидазолнинг бир марталик оғиз орқали қабул қилиш ҳисобланади.

Уретритда асосий дори воситалари рўйхати

Фармакотерапевтик гуруҳ	Дори воситасининг ХПН	Қўллаш усули	Исботланганлик даражаси	Хаволалар
Фторхинолонлар	Офлоксацин 400мг	400-800 мг/сут кунига 2 марта 10-14 кун	1b	https://mediqlab.com/drugs/e2d435dca88-43d5-a660-5f95920e6601
	Ципрофлоксацин 500 мг	500 мг/сут кунига 2 марта 10-14 кун	1b	https://mediqlab.com/drugs/6fabbb0fb6e8-4137-bcd4-208034b26f53
	Левифлоксацин 500 мг	500 мг/сут кунига 1 марта 10-14 кун	1b	https://mediqlab.com/drugs/248735dc83fe-44c0-8f1f-469665e4e4bb
	Моксифлоксацин 400 мг	400 мг/сут кунига 1 марта 10-14 кун	1b	https://mediqlab.com/drugs/14a33bde-e3ee-415c-be60-709966618acd
Цефалоспоринлар	Цефтриаксон 1,0 г	2,0 г/сут 24 соат ўтгач кунига 1 марта 7 кун	1b	https://mediqlab.com/drugs/75e2a245-eea0-4119-b31a-0fbfde9069cc
	Цефексим 400 мг	400 мг бир марта	1b	https://mediqlab.com/drugs/e470ee9a-22cf-45c6-9b14-9afc32361ea1
	Цефоперазон + сульбактам 1,0 г + 0,5 г ёки 1,0 г	2,0 г/сут кунига 2 марта 7 кун	1b	https://mediqlab.com/drugs/36e48038-8430-494c-bb76-0e1b6fd011eb
Тетрациклин гуруҳи	Доксициклин 100 мг	100 мг дозада кунига 2 марта 7 кун	1b	https://mediqlab.com/drugs/fba70a59-43de-4c6b-8e73-bd61d35e7b0f
Макролидлар	Азитромицин 250 мг	500 мг дозада (1-куни) ва 250 мг-дан 2- кундан 4-кунгача	1b	https://mediqlab.com/drugs/1c16f10a-66ca-4a63-8331-07063752edf2
	Эритромицин 500 мг	1 г дозада, бир марта	1b	https://mediqlab.com/drugs/2fa2fb40-e79d-41a2-a7ca-e6092623225d
Аминогликозидлар	Спектиномицин 2г	В дозе 2 г в/м однократно	1b	https://mediqlab.com/mnn/5f737a40-f02e-4068-9d2c-bdfa1a313b75

Паразитларга қарши	Метронидазол 250 мг Тинидазол 500 мг	2 г ичига бир марта 2 г ичига бир марта	1b	https://mediqlab.com/drugs/652d3926-006d-45d8-9ebd-4b3c3e17920f
--------------------	---	--	----	---

Эслатма: Ўткир орхоэпидидимитда қўлланиладиган дори препаратларининг дозаси ва миқдори шифокор томонидан индивидуал равишда белгиланади.

Уретритда фитотерапия симптомларни енгиллаштириш ва тикланишни тезлаштириш учун ўсимликлардан фойдаланишни ўз ичига олади. Мана баъзи машхур ўсимликлар ва уларнинг таъсири:

1. **Календула** — антисептик ва яллиғланишга қарши таъсирга эга, сидик чиқариш йўлларидаги яллиғланишни камайтиришга ёрдам беради.
2. **Она ва қизалоқ** — яллиғланишни енгиллаштириш учун ишлатилади ва сидик чиқариш тизимини тозалашга ёрдам берувчи диуретик таъсирга эга.
3. **Минглаб япрақ** — яллиғланишни камайтиради ва шиллиқ парданинг тикланишига ёрдам беради.
4. **Диуретик ўсимликлар** (масалан, ёввойи қорақарғай, медуница) — ортиқча сувни чиқаришга ва шишишни камайтиришга ёрдам беради.

4.3. Жарроҳлик аралашуви.

Ушбу патологияда талаб этилмайди.

4.4. Кейинги олиб бориш.

Уретрит бўйича ҳар қандай дори воситалари билан ўтказилган терапиядан кейин, даволаниш тугагандан сўнг 2-6 ҳафта ўтгач, назорат текширувини ўтказиш керак.

4.5. Даволаш самарадорлиги ва усулларнинг хавфсизлиги индикаторлари.

Уретритни даволаш самарадорлиги қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

- *Клиник симптомларнинг яхшиланиши.* Уретрадан ажралма, дизурик ҳодисалар, уретра меатуси соҳасида шиш йўқлиги, шунингдек беморнинг умумий аҳволининг яхшиланиши.

- *Лаборатория кўрсаткичларининг нормаллашиши.* Лейкоцитурия ва бактериуриянинг камайиши ёки йўқолиши. Уретрадан олинган суртмада патоген микроорганизмларнинг мавжуд эмаслиги.

- *Асоратларнинг йўқлиги.* Орхоэпидидимит, уретра абсцесси, уретра стриктураси каби асоратлар ривожланишининг йўқлиги.

Амбулатор даволаш усулларининг хавфсизлиги қуйидаги омиллар асосида аниқланади:

- *Жиддий ножўя таъсирлар мавжуд эмас.* Дори воситаларига аллергик реакциялар ёки даволашга тузатиш киритишни талаб қиладиган

бошқа салбий кўринишлар каби жиддий ножўя таъсирларнинг пайдо бўлишини баҳолаш.

- *Тавсиялар ва даволаш режимида риоя қилиш.* Беморнинг даволаниш самарадорлиги ва хавфсизлигига сезиларли таъсир кўрсатадиган дори-дармонларни қабул қилиш, овқатланиш ва суюқлик ичиш режими бўйича шифокор тавсияларига риоя қилиш даражасини назорат қилиш.

Ушбу индикаторлар уретрит бўйича амбулатор шароитда даволанаётган беморларни даволаш натижаларини баҳолашга ва уларнинг хавфсизлигини таъминлашга ёрдам беради.

5. ШИФОХОНАГА ЁТҚИЗИШ УЧУН КЎРСАТМАЛАР

5.1. Режалаштирилган шифохонага ётқизиш учун кўрсатмалар.

- **Режалаштирилган стационар шароитда даволаш.** Агар беморга стационар терапия талаб қилинса, бемор режали равишда шифохонага ётқизилиши мумкин.

- **Даволаш режасини ишлаб чиқиш.** Агар беморда уретрит бўлса, лаборатория ва бактериологик текширувлар асосида антибактериал терапия усулини ишлаб чиқиш керак.

5.2. Шошилинч шифохонага ётқизиш учун кўрсатмалар.

Шошилинч касалхонага ётқизиш учун кўрсатмалар - иситма ёки таносил тракти томонидан асоратлар - орхиэпидидимит, ўткир простатит.

6. СТАЦИОНАР ДАРАЖАДА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ.

6.1. Беморни кузатиш картаси, беморни йўналтириш.

6.1.1. Беморни кузатиш картаси:

- *Шахсий маълумотлар:* беморнинг исми, ёши, алоқа маълумотлари.
- *Касаллик тарихи ҳақида маълумот:* олдинги касалликлари, жарроҳлик аралашувлари, аллергия ва бошқа тиббий хусусиятлар.

- *Жорий симптомларнинг тавсифи:* бемор уретра соҳасида оғриқ, санчикли оғриқ, ачишиш ва ноқулайликдан шикоят қилади.

- *Физик кўриқдан ўтказиш:* ташқи жинсий аъзолар, ортиклар ва уруғ тизимчасини умумий баҳолаш.

- *Лаборатория текширувлари натижалари:* умумий қон таҳлили, уретрадан суртма каби лаборатория таҳлиллари, агар керак бўлса, ажралган суюқликнинг бакэкмаси ва 2 порцияли сийдик таҳлили яллиғланиш жараёнларини аниқлашга ёрдам беради.

- *Таъхис:* уретрит ташхисини қўйиш.

- *Даволашнинг тиббий режаси:* даволаш бўйича буюришлар, шу жумладан олинган тадқиқот натижалари асосида антибактериал терапияни танлаш.

- *Кузатишлар ва тавсиялар:* беморнинг аҳволи вақт ўтиши билан қандай ўзгаришини қайд этиш ва тиббиёт ходимларининг тавсиялари.

6.1.2. Беморни йўналтириш (1-расмга қаралсин):

- *Шошиличликни баҳолаш.* Тиббий ёрдам қанчалик тезкор зарурлигини баҳолаш.

- *Тиббиёт муассасасини танлаш:* даволаш амбулатория шароитида ўтказиладими ёки шифохонага ётқизиш зарурми ёки йўқлигини ҳал қилиш.

- *Алоқа ўрнатиш:* ўз вақтида ва малакали ёрдамни таъминлаш учун шифокорлар, ҳамширалар ва бошқа мутахассислар ўртасидаги алоқа ўрнатиш ва мувофиқлаштириш.

6.2. Номедикаментоз даволаш.


Номедикаментоз даволаш чоралари амбулатор даволаш бўлимида тавсифланган.

6.3. Медикаментоз даволаш.

Медикаментоз даволаш чоралари амбулатор даволаш бўлимида тавсифланган.

6.4. Жарроҳлик аралашуви.

Жарроҳлик аралашуви кўзда тутилмаган..



1-расм. Беморнинг маршрут картаси.

6.5. Кейинги олиб бориш.

Уретрит бўйича ҳар қандай медикаментоз терапиядан сўнг, даволашдан 2-6 ҳафта ўтгач, назорат текширувини ўтказиш керак.

6.6. Даволаш самарадорлиги ва усулларнинг хавфсизлиги индикаторлари.

Даволашнинг самарадорлиги ва ташхислаш ва даволаш усулларининг хавфсизлиги индикаторлари тегишли бўлимда аввал тавсифланган.

«УРЕТРИТ» НОЗОЛОГИЯСИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАР

Тошкент – 2025

1. АСОСИЙ ҚИСМ

1.1. Кириш.

Патологиянинг дастлабки босқичларида яхши натижага эришиш уретритнинг асосий симптомларини бартараф этишга ёрдам беради. Агар беморда касаллик симптомлари пайдо бўлса, дори воситалари билан даволаш

амалга оширилади, бу 99% ҳолларда ижобий самара беради. Бироқ, нотўғри медикаментоз аралашув асоратларни келтириб чиқариши мумкин:

- Ўткир бактериал простатит - простата безининг яллиғланиши;
- Эпидидимит, орхидидимит – мойк ортиғи ва мойкнинг яллиғланиши;
- Уретранинг стриктураси.

Профилактиканинг 100 фоиз самарали усуллари мавжуд эмас, чунки касалликнинг пайдо бўлиши турли хил омиллар ва сабабларга боғлиқ. Касалликнинг ривожланишига йўл қўймаслик учун эркак жинсий аъзоларнинг гигиенасига риоя қилиши, жинсий алоқа пайтида ҳимоя воситаларидан фойдаланиши ва жарроҳлик ёки манипуляция пайтида уретрал катетерлардан фойдаланганда антисептик меъёрларга риоя қилиши керак. Аччиқ овқатлар ва спиртли ичимликларни истисно қилиш муҳимдир.

1.2. Таърифи.

